



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ  
МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК  
ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИТ МАРКАЗИ  
“ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ” ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА:  
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ,  
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

**мавзусидаги Халқаро илмий-амалий  
анжуман тўплами**

**2021 йил 17 июнь**

**“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар”** мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари // Тошкент, 2021 йил 17 июнь. – 441 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155 Фармони, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358 сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сон Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази, “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти ҳамкорлигида **“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Мазкур анжуман тўпламида юзга яқин мақолалар жамланган.

**Масъул муҳаррир** – Р.Х.Ширинова – фил.ф.д., профессор (ЎЗМУ)  
Н.А.Шермухамедова - ф.ф.д., профессор (ЎЗМУ)

**Таҳрир хайъати** – А.Утамуратов – ф.ф.н., профессор (ЎЗМУ)  
Н.Б.Абдуллаева ф.ф.д., профессор (ЎЗМУ);  
О.Дж.Нишоновна ф.ф.д., профессор (ЎЗМУ);  
Б.Х.Жалилов – ф.ф.н., доцент (ЎЗМУ)  
Қ.А.Абдурахимов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)  
У.А.Маҳкамов – фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)  
Ф.Ғ.Бозарова - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)  
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)  
А.Х.Холмахматов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)  
Ю.М.Намозова – фалсафа доктори (PhD) (ЎЗМУ)  
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎЗМУ)  
А.С.Туракулова – ўқитувчи (ЎЗМУ)  
У.М.Менгликулов – ўқитувчи (ЎЗМУ)  
М.Т.Хидиров – ўқитувчи (ЎЗМУ)  
Б.М.Ялғашев – таянч докторант (ЎЗМУ)

**Мақолаларнинг тўғри ва аниқлигига муаллифлар масъулдир.**

© Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

**Рахимджанова Дилнавоз**

*Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти*

## **ЮНОН ФАЛСАФАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Юнон фалсафаси тарихчилари ўзларининг предметларини тадқиқ этар эканлар улар “айнан нимани тадқиқ этадилар?” деган саволга жавобда баъзида юзага келувчи икки маъноли вазиятга тушиб қоладилар. Бир томондан, улар, шубҳасиз, ўша давр матнлари билан иш кўрадилар, шунингдек, қадим юнон фалсафасини ўзини тадқиқ этадилар, аммо шуни таъкидлаш керакки, зарурий тартибда, мафкуравий ёки идеологик қопланган, кўпинча ўзига ҳисоб бермай юнон фалсафасининг ўз мазмунини моҳиятан оғдирадиган талқинларига (ёки уларни яратишади) мурожаат қилишади. Методологик қурилмалар бу вазиятда етарлича содда.

Масалан, тарихий-фалсафий жараён қисман у ёки бу файласуфлар ҳаётининг саналари билан мос келади ҳамда фалсафа тарихи унда ўзига хос бир “қахрамонлар галереяси”ни ташкил этади. Шу ўринда, бундай жараён муносабатида тадқиқотчи интиладиган мақсад назарда тутилади ёки барча тарихий фалсафий ғоялар йиғиндисини намоён этишга чақирилган натижалар берилади. Бу каби ёндашув, кўриниб турибдики, хронологик тартибга эътибор қаратган, аммо бутун бир фалсафа тарихи ёзилувчи ҳамда кўринишидан интилинувчи мақсад ва якуний ғоя келтирилар экан, у ҳолда хронология бу ерда бирламчи бўлолмайди, шу билан бирга бундай ёндашувни телеологик деб аташ қулайроқ бўларди. Шу шаклдаги телеологик кўриниш умумий мазмунини қуйидагича усулда кўрсатиш мумкин: замонавий талқин этувчилар томонидан қайта тикланувчи қарор талқин қилувчини ўз идеали билан қанчалик мос келишига қараб қадимги файласуфлар баҳоланадилар.

Фалсафанинг дунёқараш асослари ўзгариши заҳотиёқ “янги” фалсафа тарихини ёзишга урунишлар ҳар доим бўлиб ўтган (ёки бизнингча тўғри кўринадиган муаммоли ёндашув позицияси орқали янги асослар билан олдинги масалаларга қараш уриниши қўлланилган). Жумладан, бу қаторда биринчилардан ўзининг Сукротгача таълимотлар шарҳлари билан Арасту туради. Бу ерда Арасту Сукротгача бўлган ва Афлотун таълимотларига ўз қарашларини “қўшиш” учун қанчалик йироқ бўлганини ёки ундан олдинги фалсафий воқеаларда кўрсатиб берган нарсаларнинг ҳақиқий ўрнига қанчалик яқин турганини муҳокама қилиш ўринсиз (яна Чернис [9] нинг муфассал китобидан уни яхшироқ қилолмаймиз). Фақат Арасту биринчи ўринда ўз таълимотининг эҳтиёжларига эътиборини қаратганини ҳамда у учун зарурий тарзда ундан олдинги таълиматларни талқин қилган ҳолда асосни тузганини

айтишимиз мумкин. Бу мавзуга яхши шарҳ Чернис сўзларида кузатилади: “Даврий яқинлик, рухий яқинликни англатмайди”.

Аммо анча ёрқинроқ ва намунавий мисоллар бизнинг замонамизга яқин ҳисобланади. Гегель “Фалсафа тарихи маърузалари”да ҳамда ундан кейинги немис идеализми намоёндалари, масалан Целлер [10], фалсафа тарихида метафизик тизимга кўпроқ урғу беришган. Шу ўринда, фалсафаси моҳиятга (ёки табиатга, худога, рухга ва ҳ.к.) спекулятив эришишни ташкил этиши мумкин бўлган файласуфлар орасида эса, ҳамма нарсада олдингиларнинг мантикий оқибатлари, “диалектик зарурият” орқали амалга ошадиган ривожланишни кўрадиганлар мавжуд. Позитивизмни ривожланиш даврида (Гомперц [3], Burnet [8]) қадимюнон тарихчилари биринчи ўринга фалсафа юритишни эмпирик натижаларини қўядилар. Фалсафа тарихи эса улар учун фан тарихига кирувчи, худди ўзига хос билимлар йиғувчи жараён (кечроқ Поппер томонида “кумулятивизм” деб номланган) сифатида тасаввур қилинади.

Тарихий-фалсафий жараёнга ўз қарашларини неокантчилар ҳам билдирганлар. Улар ҳар бир алоҳида тарихий ҳодисани, қанчалик улар неокантчиларнинг (Виндельбанд [2], Риккерт [6]) айрим “вақтдан ташқари қадриятлар”и (Ҳақиқат, Эзгулик ва Гўзаллик) ёки “ахлокий идеаллар”ини (Кантнинг “категорик императив”ига ўхшаган) амалга оширишларига қараб, ҳар бир фалсафий тизимни аҳамиятини аниқлаганлар. Хайдеггернинг [4] антик фалсафа тарихи талқини ҳам сўнгги мақсадга ички интилишидан ҳоли эмас – ҳамда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тарихий-фалсафий жараёнларга келтирилган қарашлар ўзаро ўрталарида қандайдир умумийлик мавжуд: уларнинг ҳаммаси юқорида тушунтирилган маънода телеологик саналади. Фалсафанинг моҳияти, шу ўринда, икки шартли нуқта орқали очилган: тарихий-фалсафий жараённи “натижа” нуқтаси (масалан, Гегель тизими) ва тарихий-фалсафий жараён юзага келувчи фалсафани бошланғич нуқтаси ҳамда у (мана шу жараён) абадий ўз моҳиятини ва умуман фалсафа мазмунини англаш борасидаги туганмас уринишларга мурожаат қилишга мажбур. Бундай бошланғич нуқтага шубҳасиз Сукротгачаларнинг фалсафаси хизмат қилган.

Антик фалсафани унинг ғояларини замонавийлаштириш орқали актуаллаштиришга уринишлар, бизнинг даврдаги концепцияларнинг намоёйишини архаик шаклдаги фикрларда таниб олишлар, кўринишидан, замонавий концепцияларга ҳам аҳамият касб этишга имкон беради. Хайдеггер, “Афлотунни саволларини қайтариш юнонларни жавобига қайтиш деган маънони англатмайди”, дея ҳам фалсафа тарихига барча мана шу ёндашувнинг асосий йўналишини, ҳам уни асосий қийинчилигини яхши кўрсатган. Бошқача айтганда, юнон фалсафаси қуйидаги вазиятда фақатгина ускуна ёки замонавий концепцияларни яратиш ё асослаш учун ёрдамчи хомашё каби тушунилади.

Одатда тарих Сукротгачаларнинг фалсафий тузилмаси бир файласуф таълимотининг бошқасини навбатма-навбат “олиб ташлаш”, “рад этиш”, мутлақ алмаштириш жараёни сифатида талқин этилади. Агар олдинги файласуф қандайдир ўринни ҳимоя қилган бўлса, кейингиси эса уни парадоксаллигини, ноҳақлигини кўрарди ва ўзидан олдингининг концепциясидаги “нотўғрилиқ”ни тўғирларди. Илк юнон тизимларини қайта тиклаш орасида мана булар кам учрамайди, масалан: “Гераклит ва Парменид икки диаметрал парадоксал тизимни яратишди ва ҳамма кейинги файласуфлар мана шундай парадоксал қарашларнинг бемаънилигини кўрсатишга интилишган” (фон Арним [1] Сукротгача бўлган фалсафанинг кўзга кўринган икки шахсининг фалсафасига бўлган нуқтайи назарини тахминан шундай талқин қилиш мумкин). Агар шундай бўлса, унда дарров саволлар туғилади: наҳотки, ҳақиқатан, Гераклит ва Парменидда айнан парадоксал *таълимотлар* яратиш зарурияти бўлганми, наҳотки уларга ўзларидан олдингилар таълимотларга эътироз билдириш, уларнинг таълимотларини парадоксга олиб келиш ва ўзларини аргументларини уйғун равишда шахсий яхлит ва тугал тизимларига қўшиш етарли бўлмаган? Нима сабабдан умуман олганда шундай кўринишдаги парадоксал тизимни яратиш даркор, уларнинг мақсади нимада? Бундан фақат битта хулосага келиш мумкин: агар кимдир интеллектуал ўйинни ўйнашга қарор қилган бўлса, у (алоҳида вазият сифатида - Арасту унинг софизм матнлари билан), албатта, қандайдир парадоксал тизимни яратарди, бироқ унинг аҳамияти фақатгина дидактик бўлиб, ақлни чархлаш учун ярарди, бошқасига эмас. Масалан, Арасту келгуси авлод учун айнан шундай мақсадга хизмат қилган “Софистик раддиялар ҳақида” номли иш ёзган. Лекин унинг ўзи эндиликда ўзининг шахсий *рад этилмайдиган* парадоксларини яратишга интилмаган. Агар кимдир фалсафий тизимни яратиб, ўзини исмини асрларга муҳрласа ҳамда бутун бир бошли авлодлар учун актуал бўлиб қолса, бу фақат битта нарсани, - у ҳақиқатан ҳам айрим етарлича муҳим бўлган фалсафий саволга аҳамиятли жавоб топганини билдиради. Шунингдек, бу жавоб турли хил сабабларга кўра асрлар ўтиб ҳам, замондошлар орасида ҳам қониқарсиз кўриниши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, унинг тизими маълум бир фалсафий мазмунга эга бўлган ҳамда ушбу тизимнинг муаллифи ҳаёлий парадокслар йиғувчиси эмас, ҳақиқий файласуф саналади.

Муаммовий қараш бизни шу каби мазмунсиз файласуфлар ҳақидаги фикр билдиришлардан озод қилади. Муҳими шундаки, кўп ҳолларда мутлақ янги деб талқин қилинадиган янги концепцияга алмаштириш учун мавжуд концепцияларни олиб ташламай, аксинча, мозаикалар учун умумийликни яратишда ҳар бир файласуф иштирок этувчи яхлит муаммоли майдонда концепцияларни ўзаро қўшилган тўлиқ тасвирини беради.

Фалсафа тарихини телеологик муаммолаштирилмаган ифодасидан келиб чиққан ҳолда, ҳар хил турдаги дидактик вазиятларда жуда нозик тушунилади. Эртами-кечми шундай саволларга дуч келасизлар: “Ушбу файласуфлардан қайси бири ҳақ? Энди ким ҳақиқатни очганига ўтайлик”. Айнан шундай Рассел [5] тарихий-фалсафий жараёнини тақдим этади, иккинчилардан бўлиб Рорти [7] тарихий-фалсафий жанрларни муҳокама қилган тарзда намоён қилади.

Шундай қилиб, агар бизни фалсафий концепцияларнинг муаммоли моҳиятини қайта тиклаш, файласуфларни аргументининг етишмовчиликларини ва ютуқларини тушуниш қизиқтирса, бу ҳаммасидан олдин, уларни банд қилган масалалар спецификасини юзага чиқариш ва ҳисобга олишни талаб қилади. Бундай масалани анланган тарзда мўлжалга олиш биз *муаммовий* сифатида квалификациялаймиз ва бу телеологиядан ёндашувнинг асосини ташкил этади.

Муаммовий ёндашувнинг вазифаси фалсафа тарихига унинг бутун кўринишда файласуфлар томонидан қўйилган масалалар ва ушбу масалаларнинг ҳақиқий ечимлари орқали кўрсатишдан ташкил топган. Шу аснода муаммовий ёндашувнинг икки ташкил этувчиси келиб чиқади: тарихий ва мантиқий.

Тарихий-фалсафий тадқиқотнинг тарихий компоненти қайта тиклаш ва талқин этиш каби стандарт матншунос услубларсиз амалга ошолмайди. Лекин, бизнинг фикримизча, матнларни сифатли тушунишни мантиқий компонентсиз, яъни улар томонидан тақдим этилган аргументнинг пухта таҳлили уни ютуқ ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда кўпгина мантиқий эҳтимолий йўллар орасидан ушбу аргументни ўрнини аниқлашни ҳисобга олиш орқали бўлган мантиқий компонентсиз имкони мавжуд эмас. Бироқ, аёнки, мантиқий компонент тарихийсиз иложи йўқ, инчунун, муаммолар ва аргументларни улар фойдасига ечилишини айнан ўша матнлардан оламиз. Мантиқий компонентнинг кенг контексти шу пайтгача яққол бўлмаган нарсаларни, ўз навбатида янги муаммо ва аргументларни пайдо бўлишига олиб келишини матнларда кўриш имконини туғдиради. Аммо янги аргумент уни мантиқий эҳтимолий аргументларнинг анчайин кенг контекстга жойлаштиришга интилишни яратади. Бошқача қилиб айтганда, муаммовий ёндашувнинг икки асосий компоненти ўз ўрнида моки ҳаракати кўринишида туради ҳамда у ёки бу фалсафий концепциянинг кўриб чиқилиши уларни ўзаро алоқаси ҳисобга олмаган ҳолда, тўлиқ тасаввур қилинмайди.

Кўпгина номутахассисларга фалсафа тарихининг мазмуни бирёқламали ва тугал кўриниш касб этади. Аксинча, профессионал фалсафа тарихчиси ўтмиш таълимоти – бу фақат тугалланган, барча кейинги файласуфлар четлаб ўтиши керак бўлган хатоларни босқичма-босқичли тўплами сифатидаги кўринишига рози бўлолмайди.

Бизнинг нуқтайи назаримиз бўйича, фалсафа тарихчиси маълум бир даврда қўйилган тарихий муаммоларнинг егиндиси ва уларнинг тарихий-фалсафий

жараёнга бўлган жамланган ва ҳажмли қарашларини таъминловчи ечими борасида ўзида тасаввур ҳосил қилиши керак. Буни фақат агар тадқиқотчи маълум бир аниқ маълумотларга эга бўлган ҳолатлардагина имкони мавжуддир. Идеал кўринишда эса, биз оз-моз бўлсада, айнан ким ва қачон у ёки бу йўналишни илгари сурганини, муаммони шакллантирганини ҳамда ечимнинг қанақа эҳтимолий вариантларида тўхтаганини аниқ кўрсатишимиз зарур. Барибир, манбаларни ўқиш пайтида матнларни қайта тиклаш (асл нусха муносабатида айрим шарлов ўзбошимчалигини акс эттиради) йўлига боришга тўғри келади. Лекин топшириқ аввалгича қолади – тадқиқ қилинаётган файласуфнинг оригинал ғоясига максимал тарзда яқинлашиш.

Тарихий-фалсафий жараённинг стандарт қараши (хронологик, телеологик) фалсафани, шу жумладан, қадимюнон фалсафасини ҳам кўп босқичлилигини назарда тутди. Кўпинча, “босқичлаш” марксча формацион назарияга кўра амалга оширилади. Бир томондан, албатта, босқичлар зарурийдир. Улар аниқ бир хронология, тарих ва бошқаларга уланишни берадилар, тарихий-фалсафий жараён қарабини тизимлаштирадилар, бошқача қилиб айтганда, дидактик-ижобий ролни бажарадилар. Бизнингча, босқич – бу *ўрнатилган дунёқарашларнинг* принципал алмашишидир. Фалсафий муаммолар жамланмаси сақланиб қолинади, аммо бошқа кўринишда талқин беришларда ёки ечимларда янги аргументни жалб этиш орқали аниқлаштирилади. Уларга янги дунёқараш манба сифатида хизмат қилади (масалан, мажусий эмас, христианча). Босқичлар алмашилиши даврида бўлгани сингари, жамият ривожланишини у ёки бу босқичларининг давомийлигида моҳияти фикрланадиган ва мавжуд бўла оладиган имконият шарти каби тушуниладиган метафизика ҳамда унинг асосидан барпо бўладиган онтология, гносеология ва аксиология саналган фалсафа шакли туб моҳиятан ўзгармайди.

Бошқача қилиб айтганда, мантиқий копонент учун муаммовий ёндашув метафизик тадқиқот эмас, балки дунёқарашдир. Фалсафа тарихидаги ижтимоий, маданий ёки яна бошқача “шартланган” босқичлар зарурий ҳисобланмайди. Ижтимоий шароит билими нега ўша ёки бошқа тарихий даврда сиёсий саҳнада христианлар ёки мусулмонлар устуворликни қўлга олишганини тушунишга ёрдам беради. Бироқ фалсафий концепция чегарасида аргументни кучини баҳолашга ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди. Бу концепция хоҳ мажусийнинг, хоҳ насроний ёки мусулмон, хоҳ демократ ёки аристократ қаламига мансуб бўлсин. Ижтимоий ҳодисаларни тадқиқ қилиш учун эса мутлақо аргументларни асослилигини мантиқий баҳолаш зарур. Шундай қилиб, муаммовий ёндашувнинг мантиқий копоненти исталган ижтимоий тадқиқотга нисбатан бирламчи саналади.

Шу тарзда, муаммовий ёндашув доирасида босқичларнинг қатнашиши принципал масала эмас. Принципиал масала бу тиклаб бўладиган муаммонинг

мавжуд бўлишидир. Фалсафий муаммо динамик, шу билан бирга циклик хусусиятга эга, у ягона бўлмайди, ҳар доим аниқ бир муаммовий майдон доирасида берилади. Хусусан, кўп ҳолларда “ҳақиқат белгиси” муаммоси каби тушуниладиган “ошкора-яширин” муаммо доирасидаги аргумент трансформациясини тадқиқ этган тарзда, мутлақо оғриқсиз илк юнон фалсафасидан антик скептицизмга ўтиш мумкин, у ердан эса ўрта аср араб фалсафасига. Шунингдек, бу ўринда бир неча босқичлар эътибор марказидан четда қолишига қарамасдан, шу билан бирга мазмундорлик йўқотишларисиз ягона муаммо майдони доирасида қолинади.

#### **Адабиётлар:**

1. Арним Г., фон. История античной философии. Санкт-Петербург. 1910.
2. Виндельбанд В. История древней философии. Киев. 1995.
3. Гомперц Т. Греческие мыслители. Минск: Харвест. 1999.
4. Хайдеггер М. Время и бытие: статьи и выступления. Москва: Республика. 1993.
5. Рассел Б. История западной философии и её связи с политическими и социальными условиями от античности до наших дней. В 2-х тт. Новосибирск: Изд-во НГУ. 1994.
6. Риккерт Г. Философия жизни. - Петербург. 1922.
7. Рорти Р. «Историография философии: четыре жанра», Рассел 1994, II, 1994. с. 331–391.
8. Burnet E. Greek Philosophy. Part I: Thales to Plato. London. 1914.
9. Cherniss H. Aristotle's Criticism of Presocratic Philosophy. New York: Octagon Books Inc. 1964.
10. Zeller E. Die Philosophie der Griechen in ihrer geschichtlichen Entwicklung, T. I.I (Leipzig) 19237.

|                                                                                                                                              |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Муртозаев Шаҳобиддин.</b> Абу Ҳафс Умар Сухравардий маънавий мероси ва унинг ҳозирги замонда ёшлар онгини ўстиришдаги аҳамияти.....       | 183 |
| <b>Мусурмонкулов Ойбек.</b> Миллий кадриятлар ва ижтимоий-педагогиканинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти.....                                    | 189 |
| <b>Muxtorov Mirsaid.</b> O'zbekistonda oliy ta'lim tizimini modernizatsiyalash va bunda xalqaro tajribadan foydalanish.....                  | 197 |
| <b>Нишанова Лола.</b> Тилнинг бой имкониятларини ўрганиш - юксак маънавият сари қадам.....                                                   | 201 |
| <b>Нишанова Озода.</b> Миллий маънавият ривожда этномаданият фанининг ўрни.....                                                              | 206 |
| <b>Нурмухамедова Севара.</b> Ёшларда медиа-маданият ва медиа-таълимни шакллантириш асослари.....                                             | 210 |
| <b>Одилов Ёркин.</b> Основные идеи и принципы преподавания физики в технических вузах.....                                                   | 215 |
| <b>Parpiyev Asrorbek.</b> Xalqaro reytingda xalqaro hamkorlik xalq diplomatiyasining o'rnini.....                                            | 218 |
| <b>Ражабов Шухратжон.</b> Кибермаконда шахс эстетик эҳтиёжларининг нафосат фалсафаси билан уйғунлиги.....                                    | 221 |
| <b>Райимкулов Алишер, Мухторов Мухаммадюнус.</b> Маънавий ўзликни асраш учун мафкура ва миллий ғоя генезисига тизимли ёндашиш зарурияти..... | 226 |
| <b>Расулова Гулбаҳор.</b> Янги ўзбекистон: ёшларга эътибор – таълимдан бошланади.....                                                        | 230 |
| <b>Рахимджанова Дилнавоз.</b> Юнон фалсафасини ўрганишнинг методологик асослари.....                                                         | 240 |
| <b>Рахматжонов Камола.</b> Миллий маънавиятни ривожлантиришда тилшунослик типологиясининг аҳамияти.....                                      | 246 |
| <b>Рахматуллаева Гавҳар.</b> Медиа-технологиялар воситасида миллий тарбияни беришнинг мавжуд технологияси.....                               | 249 |
| <b>Рустамов Мақсуд, Қудратова Феруза.</b> Ўқув жараёни самарадорлигида халқаро тажрибаларга асосланган кредит-модуль тизимининг ўрни.....    | 255 |
| <b>Sadiqova Roza.</b> O'zbekistonda muhandislik ta'limini rivojlantirishning muammolari.....                                                 | 264 |
| <b>Салимбеков Нодирбек.</b> Бобурийлар сулоласини ўрганишда «Ойини акбарий» асарининг тутган ўрни.....                                       | 268 |
| <b>Sattorov Musurmon.</b> Ijtimoiy ekologiya muammolarini hal etishda fandagi zamonaviy transformatsiyalar.....                              | 271 |
| <b>Содиржонов Мухриддин.</b> Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий интеграциялашувида этносоциологик тадқиқотларнинг долзарблиги.....                | 276 |
| <b>Сабиров Кабулжон.</b> Народная дипломатия, сотрудничество общественных структур в рамках Шанхайской организации сотрудничества.....       | 282 |

# “ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”

мавзусидаги Халқаро илмий-амалий  
анжуман тўплами

2021 йил 17 июнь

Конференциянинг телеграмдаги расмий канали

<https://t.me/xalqarokonferensiya2021>



Ўзбекистон республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий  
мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси



Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги



Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи



Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик  
ташкилотининг халқ дипломатияси маркази



“Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти